ХАБАР

خبر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1996 йил, 1 ноябрь № 43 (220) • Сотувда нархи эркин

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазири А. Ҳ. Жўрабоев раҳбарлигида Вазирлик ҳайъатининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда концернлар, алоқа корхоналари ва ташкилотлари, ҳиссадорлик жамиятлари, қўшма корхоналарнинг раҳбарлари ҳамда республика Молия вазирлигидан вакиллар қатнашди. Ҳайъатда соҳа учун муҳим бўлган энг долзарб масалалар кўриб чиқилди.

АЛОҚА КОРХОНАЛАРИ ИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЛОЗИМ

Маълумки, шу йилнинг октябрь ойида республика Молия вазирлиги ва монополликни камайтириш ва рақобатни кучайтириш Қўмитаси комиссияси тармоқнинг молиявий-хўжалик фаолиятини ўрганиш якунлари ҳамда давлат бюджетига тўловлар тўлаш тартибига қай тариқа риоя қилинаётганлиги кўриб чиқилди. Йиғилишда мана шу текширишлар якунлари хусусида Алоқа вазири ўринбосари М. М. Маҳмудов сўзга чиқиб, комиссия текшириш жараёнида алоқа соҳасидаги силжишлар билан бир қаторда камчиликларга ҳам алоҳида эътибор қаратганлигини айтиб ўтди. Алоқа корхоналарида маблағ етарли эмас, бунинг сабабларидан бири, корхоналар дебитор қарзларни ўз вақтида ундириб ололмаётгани, айрим корхоналарнинг молиявий ишлаб чиқариш фаолиятида ташаббуссизликка йўл қўяётганлигидир. Дебитор қарздорлар орасида кўплаб жамоа ва давлат хўжаликлари, бюджетдаги ташкилотлар ва жисмоний шахслар бор. Баъзи МДҲ мамлакатлари республика Алоқа вазирлигидан катта миқдорда қарздор. Бу қарзларни ундириш чоралари етарли натижа бермаяпти. Мана шуларнинг натижасида соҳада, хусусан, бир қатор алоқа корхоналарида мураккаб, оғир молиявий аҳвол юзага келди. Республика Алоқа вазирлигига мустақил ҳолда алоқа хизмати учун тарифларни белгилаш ҳуқуқи берилган. Аммо баъзи корхоналарда хизмат учун тарифлар нотўғри оширилган. Комиссия электралоқа тармоғида оператор орқали бажарилган шаҳарлараро телефон сўзлашувларининг баъзи турлари учун хизмат тарифлари асосланмаган ҳолда оширилган деб ҳисобланди. Шунингдек, мазкур комиссия шаҳарлараро телефон сўзлашувлари учун баъзи имтиёзлар кўзда тутилмаганлигини, жумладан айрим тоифадаги мижозлар учун байрам ва дам олиш кунлари, тунги вақтларда имтиёзли хизмат кўрсатилмаганлигини таъкидлади. Бу маълумотларга қўшимча тарзда Молия вазирлигининг комиссияси аъзолари истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва бу борада қабул қилинган Қонунни бажаришда алоқа корхоналарида ҳамон кўплаб хатоликларга йўл қўйилаётганини кўрсатдилар.

Бундан ташқари иш сифати талаб даражасида эмас. Почта хизматида иш самарадорлиги пасайган, почтадан келадиган даромаднинг 60 фоизи нафақа ва ёрдам пулларини тарқатиш ҳисобидан тушган.

Аҳолидан тушаётган шикоятлар сони ўсган, уларни баъзи корхоналарда атрофлича таҳлил қилиб, зарурий чоралар кўрилмаётир. Ҳатто рўйхатга олиш, ҳисоб-китобда хатоликларга йўл қўйилмоқда. Бу борада Давлат алоқа назоратининг иши бирмунча сусайган.

Ҳайъат йиғилиши сўнггида Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазири А. Ҳ. Жўрабоев кўрилган масала муҳокамасига якун ясаб, молиявий масала соҳа учун муҳим аҳамият касб этади, биз бу масалани ҳайъатнинг кенгайтирилган йиғилишида корхона раҳбарлари иштирокида кўриб чиқишга қарор қилган эдик, ўйлайманки, тез орада бу борадаги камчиликлар бартараф этилади деб айтди. Вазир соҳада молиявий ишлаб чиқаришни яхшилаш мақсадига қаратилган ишларнинг асосий йўналишларини кўрсатиб берди. Бу ишларда республика молия идораларининг алоқачиларга ёрдами жуда зарур.

Йиғилишда бюджет тўловлари билан боғлиқ бўлган масала ҳам кўриб чиқилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Сурхондарё вилояти ва бошқа электралоқа ишлаб чиқариш корхоналари давлат бюджетидан катта миқдорда қарздор. Ҳайъат қисқа муддатда бу борадаги қарзларни тўлаб, ҳисоб-китоб қилиш зарурлигини уқтирди.

Шунингдек, ҳайъат йиғилишида алоқа корхоналари моддий-техникавий таъминотининг аҳволи, Тошкент электротехника Алоқа институти ва Алоқа коллежи негизида мутахассислар тайёрлаш тадбирларини кучайтириш, ижтимоий-маданий, маиший иншоотларининг таркибий тузилиши тўғрисидаги бир қатор масалалар ҳам кўриб чиқилиб, муҳокама қилинди.

Кўрилган масалалар юзасидан вазирлик ҳайъати алоқа корхоналари, умуман олганда, тармоқ ишини такомиллаштиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгиланган қарорлар қабул қилди.

К. АЛИЕВ

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• Янгиликлар • Воқеалар • Хабарлар

• Матбуотда «Қ. Ғ. Обидовни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.

• Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг «Орол денгизи ҳавзасида атроф муҳитни барқарор ривожлантиришга кўмаклашиш» семинари иштирокчиларига табриги эълон қилинди.

• Тошкентдаги республика биржа марказида Ўзбекистонда хусусийлаштириш инвестиция фондларини барпо этиш ва ривожлантиришга бағишланган матбуот семинари ўтказилди.

• Марказий банк ва республикадаги бошқа етакчи банклар муассислик қилган «Бозор, пул ва кредит» илмий-амалий журналининг биринчи сони дунё юзини кўрди. У йилига 6 марта нашр этилади.

• Туркманистонда Республика Мустақиллик куни байрам қилинди. Шу муносабат билан аҳолининг оммавий сайиллари бўлиб ўтди.

• Чечен халқининг умуммиллий конгресси бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари Чеченистон мустақиллигини таъминлаш, 1997 йил 27 январь куни республикада президент ва парламент сайловлари ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

• Жаҳон банки ва Халқаро валюта фонди 1997 йилда Украинага иқтисодий ислоҳотларни давом эттириш учун 1,4 миллиард доллар миқдорида кредит ажратишни мўлжалламоқда.

• Туркияда миллий валюта — янги турк лирасини муомалага киритиш мўлжалланмоқда. 1 лира қиймати бўйича 1 АҚШ долларига тенг бўлади. Мамлакатда бир пайтда ҳам эски, ҳам янги турк лиралари муомалада бўлиши кўзда тутилган.

• Жаҳон банки маълумотларига кўра 2020 йилга бориб Хитой ялпи миллий маҳсулот ҳажми бўйича жаҳонда биринчи ўринни эгаллаши тахмин этилмоқда. Бу кўрсаткич бўйича ўша даврда Япония иккинчи, Америка Қўшма Штатлари эса учинчи ўринда бўлади.

• Германия Христиан демократлари иттифоқи қурултойи делегатларининг 95,5 фоизи Гельмут Коль яна шу партия раиси лавозимида қолиши учун овоз бердилар. Гельмут Коль 1973 йилдан буён шу партияга етакчилик қилиб, 14 йилдан бери эса ГФР канцлери вазифасини бажариб келмоқда. Бу ўзига хос рекорд ҳисобланади.

• АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг Чехияни НАТОга қабул қилиш тўғрисидаги баёноти Чехия ҳукумати ва мухолифатчилар томонидан ижобий қабул қилинди. 1999 йили Польша ва Венгрия давлатлари қатори Чехия ҳам Шимолий Атлантика иттифоқига аъзо бўлади.

• Обуна—97

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Азиз муштарийлар, «ХАБАР» газетасига обуна бўлишни унутманг!

ОБУНА БАҲОСИ:

ЯККА ТАРТИБДАГИ ОБУНАЧИЛАР УЧУН:
1 ойга 28 сўм, 6 ойга 168 сўм, 12 ойга 336 сўм.

ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР УЧУН:
1 ойга 39 сўм, 6 ойга 234 сўм, 12 ойга 468 сўм.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 64600

ЭСЛАТМА: Республика вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг почта алоқа корхоналари обуна нашрларини етказиб бериш хизмат ҳақларини ўзлари мустақил белгилашади.

• Шу сонга шошилинчнома

МУШТАРИЙЛАРИМИЗ КЎПАЙМОҚДА

«Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани почта алоқа боғламаси ишчи-хизматчиларининг 114 нафари келгуси йил учун «Хабар» газетасига обуна бўлдилар. Боғламада обуна қизғин давом этмоқда.

Чироқчи почта алоқа боғламаси бошлиғи Кенжа ЖУМАНОВ».

ОТ ЎРНИНИ ТОЙ БОСАР...

Неъматжон Исмоилов 1958 йили ҳарбий хизматни тугаллаб қайтгач, Қўштепа қишлоғида почтачилик қила бошлади.

Қўштепа қишлоғи билан марказий алоқа бўлимининг ораси беш чақирим масофани ташкил қилар, у пайтда почтачиларда транспорт воситаси бўлмаганлиги учун Неъматжон газета-журнал, хат-хабарларни қопда орқалаб қишлоққа келтирар эди. Шу зайилда 1976 йилгача ишлади. Тўнғич фарзанди Мадаминжон олтинчи синфда ўқишига қарамай, газета-журнал, хатларни эгаларига етказишда отасига қўлидан келганича ёрдам бера бошлади. Қишлоқ аҳолиси ҳам кўпайиб, хонадонлар сони бу даврга келиб 1330 тага етиб қолган эди. Газета-журналларни ўз вақтида олиб турган аҳолининг миннатдорчилик сўзлари Мадаминжонга куч-қувват бағишларди. Ўғлининг ҳафсала билан ишлашидан астойдил қувонган Неъматжон ака: «Ўрнимни босиб қолар экансан, алоқачи бўлиш хайрли иш ўғлим», дея фарзандига йўл-йўриқ кўрсатар, маслаҳат берар эди. Тақдир экан, Неъматжон ака 30 йил почтачи бўлиб ишлагач, 1988 йили ҳаётдан кўз юмди. Кенагас, Каттакенагас қишлоқлари аҳолисининг талаби билан Мадаминжон Исмоилов отасининг ўрнига почтачилик қила бошлади. У Тошкент Алоқа коллежида сиртдан таълим олди. Мадаминжоннинг ҳаракатчанлиги ва ҳалол меҳнатини ҳисобга олишиб уни 1990 йили Учкўприк туман почта алоқаси корхонаси бошлиғининг ўринбосари этиб тайинлашди. У бу ерда иш ҳажми кўплигига қарамасдан ҳалол меҳнат қилди, энг муҳими жамоанинг кўнглини топа билди. Ҳурмат-эътибор қозонди. Мадаминжон Исмоилов шу тариқа почта алоқа хизматини яхшилаш борасида тер тўкиб, фахрий алоқачи, отаси Неъматжон аканинг руҳини шод қилиб келаётир.

От ўрнини той босар... Мадаминжоннинг ўғли Азимжон ҳам бобоси ва отасининг изидан бориб алоқа соҳасида ишламоқда. У Тошкент Алоқа коллежида сиртдан ўқийди. Ҳозирда Азимжон бошчилик қилаётган алоқа бўлими бешта қишлоқ аҳолисига почта хизмати кўрсатади. Мазкур бўлим ходимлари Иқболжон Ғаниев ва Валижон Ҳотамовлар матбуот нашрлари, хат-хабарлар, нафақа пулларини кечиктирмасдан эгаларига етказиб берадилар. Хуллас, Учкўприк туманида почта хизматига меҳнати кўп сингган Неъматжон Исмоиловнинг фарзанди ва неварасидан ибрат алоқачилар сулоласи халқ хизматига камарбаста бўлиб келаётир.

Қ. ТУРСУНОВ,
Фарғона вилояти

ХАЙРЛИ ИШЛАР ДАВОМ ЭТЯПТИ

Чортоқ Наманган вилоятининг энг гўзал, хушҳаво табиати, ўзининг машҳур сиҳатгоҳлари билан донғи кетган туманларидан бири. Туман маркази ва унинг қишлоқлари кун сайин чирой очиб кўркамлашиб боряпти. Чортоқ тумани электралоқа боғламаси туман марказидаги кўркамгина биноларнинг бирида жойлашган. Боғлама бошлиғи Рустамжон ТУРСУНОВ билан бўлган мухтасар гурунгимиз корхонада амалга оширилган ишлар хусусида бўлди.

— Боғламамизда алоқа сифатини яхшилаш борасида талайгина ибратли ишлар қилиняпти, — дейди Р. Турсунов. — Жорий йилда 7700 га яқин телефон нуқтаси янги станцияга уланди. Бу бир зумда шаҳарлараро сўзлашув имкониятини яратади. Эндиликда Чортоқ сиҳатгоҳи, Кораскон, Кушон, Пишқўрғон қишлоқ АТСларидаги мижозларимиз ҳам ана шундай қулайликдан баҳраманд бўлишлари кўзда тутиляпти. Белгиланган режаларнинг ортиғи билан бажарилишини таъминлаяпмиз.

Ишчи-хизматчиларимизни ижтимоий ҳимоя қилишга ҳам алоҳида эътибор беряпмиз. Жамоамизда барча байраму тантаналарни шоду хуррамлик билан нишонлаш одат тусига айланган. Боғламамизнинг 47 нафар алоқачиси телефон ва радио хизматидан бепул фойдаланяпти. Навбати билан ходимларимизга сиҳатгоҳларда дам олишлари учун йўлланмалар бериб боряпмиз. Шунингдек, туман марказидаги Фурқат номли маданият ва истироҳат боғидан ишчиларимизнинг бўш вақтлари кўнгилли ўтиши учун алоҳида жой ажратиб бердик. Бундан ташқари 12 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож нафақачини оталиғимизга олганмиз, уларнинг ҳолидан хабар олиб турибмиз. Шаҳардаги болалар боғчаси таъмири учун 40 минг сўм, туман «Камолот» ёшлар жамғармаси ҳисобига эса 50 минг сўмликдан зиёд маблағ ўтказиб бердик. Бу каби хайрли ишларимиз давом этяпти...

Суҳбатни М. ҚАМБАРОВ ёзиб олди,
Наманган вилояти

ХУШХАБАРЧИ

Дилором Сатторова Сариосиё туманининг марказий алоқа бўлимида почтачилик қилади. У Сариосиё посёлкасига қарашли Файзулла Хўжаев, Ҳидоят Тоиров, Аэропорт, Раҳим Ражабов номли кўчаларидаги 2 мингдан зиёд аҳолига беминнат хизмат кўрсатиб келяпти.



Яқинда биз Дилором Сатторовани хонадонларга бир даста мактубларни етказиб беришга отланаётган пайтда учратдик. Унинг қўлларида Тошкент вилоятидан Абдукарим Тоиров, Фарғонадан Муродулло Насруллаев, Самарқанддан Ёдгор Жўрабеков каби ўнлаб ҳарбий хизматни ўтаётган йигитларнинг ота-оналарига йўллаган мактублари бор эди.

Дилором уруш ва меҳнат фахрийларига келган хат-хабар ва нафақа пуллари, матбуот нашрларини ўз вақтида манзилига етказиб беришга ҳаракат қилмоқда.

— Касбимдан фахрланаман, — дейди у. — Кўпчилик мени «хушхабарчи» деб аташади. Ҳар гал уларга хат-хабар, нафақаларини элтиб берганимда чеҳраларидаги севинчни кўриб, ўз касбимдан чексиз фахрланаман. Баъзан айрим ҳамкасбларимнинг ишига совуққонлик билан қараб, муштарийларга келган газета ва журнал, хат-хабарларни ҳафталаб эгаларига етказиб бермаётганлигини эшитсам ранжиб кетаман.

Биз алоқачилар республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашга ўз хизматимиз билан муносиб ҳисса қўшишимиз лозим.

Элга қувонч ва шодлик бағишлаётган Дилором Сатторовадан ҳамма беҳад миннатдор. Биз ўз ишига ана шундай фидойилик билан ёндошаётган, халққа шодлик улашаётган хушхабарчилар сони кўпайишини истаб қоламиз.

Аннамурод ЖУМАҚУЛИЕВ,
Сурхондарё вилояти

АСПИРАНТУРАГА МАРҲАМАТ!

Тошкент электротехника Алоқа институти 1997 йил учун

— Алоқа каналлари орқали ахборот узатиш қурилмалари ва тизимлари,

— Алоқа тармоқлари, бўлимлари ва ахборот тақсимлаш,

— Радиотехника ва телевидение тизимлари ҳамда қурилмалари мутахассисликлари бўйича кундузги ва сиртқи аспирантурага қабул

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳужжатлар 1996 йил 30 ноябргача қабул қилинади. Имтиҳонлар эса 1 декабрдан бошланади.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга жўнатилсин:
700084 Тошкент, ГСП,
Амир Темур кўчаси, 108 уй.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
35-07-63, 35-01-12, 35-09-34

ФАКС:35-10-40.

«ХАБАР»ГА ОБУНА БЎЛДИК

Ойламиз билан «Хабар»нинг доимий мухлисимиз. Газетанинг янги-янги сонларини интиқлик билан кутамиз. Шунинг учун ҳам бу йил биринчилар қатори ушбу газетага обуна бўлдик. Унда чоп этилаётган соҳамизга оид материаллар, биз алоқачилар учун қизиқарли. Шунингдек, 3-саҳифада берилаётган ҳадислар, ўгитлар, пурмаъно ҳикматларни бувижонимиз ҳам кўзойнаклари билан бизларга эринмай ўқиб берадилар. Бувижонимиз — Марҳамат ая ҳам 40 йил алоқа соҳасида меҳнат қилиб, нафақага чиққанлар. Шу боис ҳам алоқа соҳасидаги янгиликлар, алоқачиларнинг ҳаётлари билан танишиш бувижонимиз учун мароқли. Биз ҳам ишдан кейин бўш вақтларимизда газетани ўқишга тушамиз. Ундан маънавий озуқа оламиз, чарчоқларимиз ёзилади.

Мен ойламиз номидан алоқачиларнинг кўнглига йўл қидираётган таҳририят ходимларига ижодий муваффақиятлар тилайман.

Гулистон ИСМОИЛОВА,
Қашқадарё вилояти

АНЖУМАН ЎТКАЗИЛДИ

Тошкент вилоятида телефон тармоқларини ривожлантириш ишлари жадал олиб борилмоқда. Жанубий Кореянинг «ДЭУ-телеком» фирмаси билан тузилган шартномага мувофиқ рақамли автомат телефон станцияларининг ускуналари ҳамда «Морион» фирмасининг алоқа узатиш тизимлари ҳам вилоятнинг тўрт шаҳар ва учта туман марказларига ўз вақтида олиб келинди. Келтирилган ускуналарни ўрнатиш ишлари Ангрен, Олмалиқ, Бекобод, Янгийўл, Гулбаҳор ва Паркент шаҳарларида бошлаб юборилди. Бу ишларни Тошкент вилоят давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасининг ходимлари «ДЭУ-телеком» ва «Морион» фирмаларининг мутахассислари назорати остида амалга оширяптилар.

Яқинда Ангрен шаҳрида вилоят алоқачиларининг кенгаш-анжумани ўтказилди. Унда вилоятда жорий қилинаётган рақамли АТСлар ва шиша толали кабелларни ўрнатиш билан боғлиқ бўлган масалалар хусусида сўз борди. Бу масалалар ҳақида қатнашчиларга Алоқа вазирлиги Илмий-текшириш марказининг етакчи мутахассиси Б. Ўтабоев, Ангрен шаҳар электралоқа тугуни бош муҳандиси О. Анорбоевлар тўлиқ маълумот беришди.

Вилоятда амалга оширилаётган ишлар шу йилнинг охирига қадар ниҳоясига етказилади.

С. НИНУА,
жамоатчи мухбир,
Тошкент вилояти


ҲАСАНБОЙ ШАМОЛДАН ЧЎЧИМАЙДИ

Қўқон шаҳри ва унинг атрофидаги туманларда кучли шамол тез-тез бўлиб туради. Натижада маҳаллий радиолинияларда симларнинг узилиши, дарахт шохларига ўралиб қолиши каби ҳолатлар рўй беради.

Мана, ўн беш йил бўляптики Ҳасанбой Болтабоев шамол етказган офат билан курашиб келади. Шамол пайтида, шамолдан сўнг радиолинияларни кўздан кечиради. Узилган линияларни дарҳол улаб, созлайди. Шу сабабли ҳам Бувайда тумани марказидаги 700 та радионуқта соҳиблари Ҳасанбой Болтабоевнинг хизматидан миннатдордирлар.

Ҳасанбой мантўрга ҳазиллашиб, шамол жонингизга теккандир, дея савол берганимизда, «шамол ҳали жонимга текканича йўқ, мен шамолни жонига теккан бўлсам керак», деди. Ҳа, Ҳасанбой мантўр эл хизмати йўлида белини маҳкам боғлаган жонкуяр инсонлардан.

Т. ҚАЮМОВ



АЛОҚАЧИ ҲАМРОҲИ

«ИТОЧУ» ФИРМАСИ – ЎЗБЕКИСТОНДА

Кунчиқар мамлакат Японияниng энг йирик бешта савдо фирмаларидан бири — «Иточу Корпорейшн» Ўзбекистонда иш бошлади. Яқинда шу мамлакатнинг «Кунчиқар» деб номланган машҳур савдо компаниясининг директорлар кенгаши аъзоси жаноб Масайя Такэи раҳбарлигидаги расмий делегация иштирокида пойтахтимиздаги «Меридиан» меҳмонхонасида «Иточу» фирмаси ваколатхонасини очишга бағишланган маросим бўлиб ўтди. Мазкур фирманинг шу кунга қадар жаҳоннинг турли бурчакларида фаолият кўрсатаётган 176 та бўлимлари сафига яна битта Тошкентдаги бўлими қўшилди. Маросимда сўзга чиққан меҳмонлар «Иточу» фирмаси Ўзбекистонда фаолият кўрсатиши учун барча қулай имкониятлар борлигини алоҳида таъкидлашди.

Шу кунга қадар Японияниng бир қатор савдо фирмалари Ўзбекистонда ўз ваколатхоналарини очиб, икки мамлакатнинг иқтисодий муносабатларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлида фаол иш олиб боришмоқда. Мана шу сафга қўшилган «Иточу» корпорацияси биринчи навбатда Ўзбекистон билан тўқимачилик саноатида ҳамкорлик қилишни мўлжаллаган. Бу борада корпорация бой тажрибага эга бўлиб, жаҳоннинг етакчи фирмаларидан бири ҳисобланади. Корпорациянинг биргина тўқимачилик бўлимининг 1995 йилги савдо оборoти ҳажми 18 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Бундан 100 йил муқаддам ташкил топган «Иточу» ўз фаолиятини тўқимачилик соҳасидан бошлаган эди. Бугунги кунга келиб фирманинг фаолияти кенгайди. Эндиликда «Иточу» компанияси аэрокосмик техникаси ва электроника жиҳозлари ишлаб чиқариш, завод ҳамда электростанция қуриш, нефтни қайта ишлаш, автомобиль, металл қувурлар, озиқ-овқат каби саноат маҳсулотлари сотиш билан шуғулланмоқда. Шунингдек, компания телекоммуникация соҳасига алоҳида эътибор қаратган. Японияда «Иточу» фирмасининг ўз телевизион йўлдоши бор ва у халқаро хусусий телекоммуникацион оператор мавқеига эга. Ушбу фирма алоқа бозорига йирик телекоммуникацион лойиҳаларни тез-тез таклиф қилиб туриши билан ҳам машҳур. «Иточу» компанияси ўз фаолиятининг мана шу томонларини Ўзбекистон билан бўладиган ҳамкорликда ҳам амалга ошириш ниятидадир. Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳамкорликнинг айрим йўналишлари бўйича томонлар ўзаро келишувларга эришдилар. Жумладан, «Иточу» фирмаси Жанубий Кореянинг «ДЭУ» корпорацияси билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг тўртта минтақасини телефонлаштириш, кабель магистрали ва радиорелели линияларни қуриш борасидаги Халқаро тендер лойиҳасини амалга оширишда қатнашади.

«Иточу» компанияси директори жаноб Такаши Моринага ва фирма департаментларидан бирининг бошлиги Цуцуи Хиросилар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўтказилган дастлабки мулоқотлар самарали бўлганлигини алоҳида таъкидлашди.

«Иточу» фирмасининг Ўзбекистондаги ваколатхонасини очиш маросимида республика вазирликлари, корхона ва ташкилотлардан вакиллар қатнашди. Шунингдек, ушбу маросимда Японияниng Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Коичи Обита ҳам қатнашиб, сўзга чиқди.

А. ДАРВЕШОВ

INTERNET ЁРДАМИДА БИЗНЕС

Ўн йилча аввал internetra қўшилган ва унинг учинчи йирик хусусий фойдаланувчиси бўлган Digital корпорацияси Internetдан бизнес мақсадида фойдаланиш мумкинлигини амалда намойиш этмоқда.

1992 йилда компания Internet орқали доимий ва бўлғуси мижозларини ўз маҳсулотлари ҳамда дастурий таъминот янгиликлари ҳақидаги ахборотлар билан таъминлай бошлади.

1993 йилнинг охирида Digital мазкур ахборот ресурсига дахлдорлар сонини ошира бориб, Internetда ўзининг хусусий WWW — серверини ўрнатган биринчи компанияга айланди. «Биз ўз мижозларимиз билан иш юритишни соддалаштириш мақсадида бозорни забт этишнинг турли воситаларини ишлаб чиқишни давом эттирмоқдамиз», — дейди Digitalдаги Internet дастурининг раҳбари Расс Жоунс.

Дастлаб WWW серверига мурожаатлар сони ойига 80 мингни ташкил этар эди, ҳозир улар 250 мингга етиб қолди.

«Internetнинг бутун қулайлиги шундаки, бу улкан тармоқ суткада 24 соат, ҳафтада етти кун узлуксиз ишлайди, — гапида давом этади Жоунс. — Шундай қилиб, тегишли ахборотга эга бўлган ҳолда, биз турли саволларга доимий равишда жавоб бера оламиз. Одатдаги телефон орқали суҳбатлар ва мижозлар билан савдо вакилларининг учрашувларига кетадиган жуда кўп вақт тежаб қолинади. Internetra дахлдорлик, шунингдек, савдо-сотиқ жараёнини қисқартириш имконини беради, чунки мижозлар (Internet хизматининг ёрдами туфайли) маҳсулот ҳақидаги ахборот билан савдо вакили келгунига қадар танишиб чиқадилар.

Вақтни тежашнинг яна бир йўли — Aipha AXP серверларини Internet орқали тестдан ўтказишдир. Шу мақсадда Digital Internetда бир машинани бепул ўрнатди. Бу биз ва бизнинг мижозларимиз учун бизнесдаги ўрнини алмаштириб бўлмайдиган воситадир. Аввалари мижозларга Aiphani текшириш учун олгунларича икки ҳафта кутишга тўғри келар эди, кейин синовлар тўрт-беш ҳафтагача чўзиларди. Ҳозир мижозлар тармоққа кириб, тизим ишини текшириш, унинг ишлаб чиқариш самарадорлигини тест синовларидан ўтказиш ва ҳатто ўзига манзур иловаларни эски доирадан Digital unix ёки VMS доирасига ўтказиш, хуллас, истаган ишини бепул амалга ошириши мумкин».

Хорижий матбуот материаллари асосида тайёрланди



Анна Михайловна САВИНА самимийлиги, ширинсуханлиги боис тумандаги кўпчилик абонентлар учун ҳожатбарор «Анна хола»га айланиб қолган. Чунки у 35 йилдан кўпроқ вақтдан буён Бўстонлиқ туман электралоқа боғламасида катта электромеханик вазифасида меҳнат қилиб, мижозларнинг телефонлари бенуқсон ишлаши учун жонкуярлик қилмоқда.

Суратқаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

ЙЎЛДОШЛИ АЛОҚА УЧУН ИХЧАМ ТЕЛЕФОН

Suturn Mini Phone — алоқа йўлдошлари орқали телефон алоқаси ўрнатиш ва маълумот узатиш учун ихчам аппарат бўлиб, сафарда юрган ишбилармонлар, олис жойларда ишлайдиган экспедиция қатнашчилари учун жуда қулайдир. Қабул қилинувчи сигналларни бошқариш муайян код бўйича амалга оширилиши ёки зарурат туғилганда сигналлар тегишли йўлдошга узатилиши мумкин. Сўзлашувларни қайд этувчи ускуна стандарт комплект таркибига киради. Кейс қопқоғига антенна ва радиочастота кучлатгичи ўрнатилган, кейснинг ичида электрон бошқарув блоки бўлиб, у ташқаридаги микротелефон трубкасига уланган. Ускуна ҳар қандай шароитда тезкорлик билан бехато ишлашга мўлжалланган, антеннадан уни кейсдан чиқармасдан ёхуд асосий блокдан алоҳида ўрнатилган ҳолда фойдаланиш мумкин.

ТЕХНИКА АНИҚЛАЙДИ...

Инсоннинг бурни — ҳид билишнинг мукаммал механизмидир. Тўғри, унинг ҳамма сир-асрори аниқланмаган, бироқ, ҳозирнинг ўзидаёқ бу антиқа жисмоний аъзо фаолиятининг айрим жиҳатларини моделлаштирувчи бир неча кашфиётлар амалга оширилди. Масалан, америкаликлар дезодорантлар, духилар, винолар сифатини аниқлашда дегустаторлар ўрнини босувчи электрон асбобларни намойиш этмоқдалар.

Бозорларда кўплаб ясама атир-упа ва вино-ароқ маҳсулотлари пайдо бўлиши сабабли бундай асбобларга алоҳида эҳтиёж туғилди. Электроника ёрдамида «қўлбола» маҳсулот тайёрловчиларнинг кирдикорларини осонгина фош қилиш мумкин. Шунингдек, «ҳид билувчи» қурилмаларни шахсий компьютерларга улаш режалаштирилмоқда.

Моҳиятан олганда, электрон бурун — инсон бурунининг жўнгина моделидир. Уларда полимерлар ҳидни қабул қилувчи ва уларни компьютер дастурига киритилган намуналар билан солиштирувчи сенсорлар ролини ўйнайди. Машина, албатта, духиларнинг номини айтолмайди, аммо синалаётган маҳсулот аввал синалган маҳсулотдан ҳидига кўра фарқ қилиш-қилмаслигини айта олади.


Табиийки, электрон бурунларни қўллаш доираси етарли даражада кенгдир. Бу воситадан АҚШда йўл полицияси автохайдовчилар организмида алкоголь миқдорини аниқлаш мақсадида фойдаланмоқда, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонлар сифати масалалари бўйича шуғулланадиган бошқарма уларга қизиқиш билан қарамоқдалар. «Ҳид билувчи» ускунанинг шарофати билан баъзи тортишувлар ва зиддиятларга ўрин қолмайди.

ISDN ТАРМОҚНИНГ ИНТЕРФЕЙСЛАРИ

Интеграл хизмат кўрсатувчи рақамли тармоқлар, (инглизча — ISDN) ҳақида «Алоқачи ҳамроҳи» саҳифаларида етарлича маълумотлар берилганини ҳисобга олган ҳолда, ушбу мақолада унинг интерфейслари ҳақида батафсил ахборот беришга қарор қилдик.

ISDN тармоқларда икки хил интерфейслар мавжуд: абонент билан ISDN — станцияни боғланишини асослайдиган (инглизча Basic Rate Interface (BRI) ва русча—интерфейс базового доступа) интерфейс ва ISDN станцияларининг ўзаро боғланишини таъминлайдиган интерфейс (инглизча — Primary Rate Interface ва русча — интерфейс первичного доступа). ISDN соҳасида кенг қўлланиладиган «интерфейс базового доступа» атамаси — 192 кбит/с тезлик билан узатилаётган рақамли сигналлар оқимини киришини таъминлаш принципига асосланган, «интерфейс первичного доступа» атамаси эса, 144 кбит/с тезликдаги рақамли сигналлар оқимининг киришини амалга ошириш принципидир (1-расм).

BRD — ISDN станцияси билан ISDN-телефони (ёки телефон аппарати ўрнига бошқа қурилма бўлиши мумкин) орасидаги муносабатларни аниқловчи стандартдир. Республикамиз узлуксиз алоқа тармоқларида BRI вазифасини оддий, икки жуфтли сим телефон аппаратини АТС билан боғланиши орқали бажарилади. Аммо ISDN хизматини мижозларга етказиб бериш учун республикамиз алоқа тармоқларида нафақат АТСларни ва телефон аппаратларни рақамлиларига алмаштириш билан кифояланмайди, балки умуман абонент линияси инфраструктурасини қайта қуриш керак бўлади.



1-расм. ISDN га асосланган телефон станциясининг интерфейслари.

BRI интерфейс асосан 192 кбит/с тезликдаги рақамли сигналлар оқими тизимидан иборатдир. Шу оқимни 144 кбит/с тезликдаги қисми 2B+D стандарт асосида (B-ри D—канал орқали ISDN га тааллуқли ахборотлар узатилади. Биринчи навбатда бу — чақираётган абонент рақамларини узатиш. Шуни айтиш керакки, рақамларни автоматик равишда аниқлайдиган (русча: АОН) ускуна билан D — каналнинг вазифасини алмаштирмаслик зарур. Замонавий рақамли АТСлар АОНни абонентлардан сўралган жавобини рад этади. Бундан ташқари, D— канал орқали чақирув маршрути B—каналдаги оқимнинг хусусиятлари ва таркиби ҳам аниқланади.

Схематик нуқтаи назардан BRI икки хил бўлади: U ва S/T.

U — интерфейси АТСдан узоқда жойлашган абонентларга мўлжалланган ва ундан рақамли сигналлар оқими икки томонга баравар узатилаверади (дуплекс алоқа).

S/T — интерфейси хонадонларда ва иш кабинетларида телефон кабеллари жойлаштиришни стандартлашишда ишлатилади.

PRI аввал уқтирганимиздек ISDN АТСлари орасидаги тирқишни (русча-стык) аниқловчи интерфейсдир. Аммо PRI интерфейси BRI кўп ўхшашлиги бор. Умуман,. PRI бу nB+D рақамли сигналлар оқимини таъминловчи интерфейсдир. Масалан, АҚШ ва Япония мамлакатларида асосий рақамли канал 1544 кбит/с тезликка асосланган, бу — 23 B+D дегани. Европа мамлакатларида эса 2048 кбит/с, бу 30 B+D деганидир. Амалиёт нуқтаи назаридан қараганда PRI оддий ИКМ — трактдир.

Ж. ТАЖЕНОВ,
Тошкент электротехника Алоқа институти муҳандиси

ОПТИК ТОЛАЛИ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИ

Мазкур мақолада идоравий АТСларда ва маҳаллий ЭҲМ тармоқларида ишлатиладиган оптик толали линияларнинг хусусиятлари ва параметрлари ҳақида сўз боради.

Бинолар ичкариси ва улар орасига ётқизиладиган кабелнинг оптик толаси ташқи диаметри 125-200 мкм қоплама билан ўралган ингичка кварцли симдир. Бунда қопламанинг қўлланиш коэффициенти симдан камроқдир. Бу ҳол ёруғлик нурининг сим-қоплама чегарасидан қарийб тўла равишда ўтиши ва ёруғлик сигналининг оптик тола бўйлаб тарқалиш чоғидаги йўқотишларни камайтиришга имкон беради.

Икки хил оптик тола мавжуд: бирмодали ва кўпмодали. Бирмодали оптик толанинг сими жуда кичик диаметрга эга (10 мкм. гача). Унга кучли ёруғлик оқимини юбориш учун жуда кичик спектрда нурланувчи ярим ўтказгичли лазерлар ва керак бўлади. Бирмодали оптик тола бўйлаб ахборот узатиш 1,3 ва 1,55 мкм тўлқин узунлигида амалга оширилади, частоталар бўйича ўтказиш сатҳи эса 2 ГГц.гача бўлиши мумкин. Бунда ўтказиш сатҳининг кенглиги узатиш линиясининг узунлигига боғлиқ бўлмайди. Сигналнинг сўниши Л,7 ДБ/км.дан ошмайди. Бирмодали оптик толали алоқа линиясининг камчилиги кўпинча лазерлар ва фотоқабуллагичлар қиймати белгилаб келадиган ускуналар мажмуасининг ўта қимматбахолигидадир.

Кўпмодали оптик тола симиннинг диаметри анча катта — 50;62, 5;100 ёки 140 мкм. бўлиб, бу нисбатан арзон ва ишончли нурлантирувчи элементлар — суперлюминесцент светодиодларни қўллаш имконини беради. Кўпмодали толалар орқали 1,3 ва 0,85 МКМ. тўлқин узунлилига эга сигналлар узатилади. Кўпмодали оптик толанинг частота бўйича ўтказиш сатҳи 800-900 МГц.ни ташкил этади ва линиянинг узунлигига боғлиқ бўлади. Кўпмодали толаларда сигналнинг сўниши 0,5-7 ДБ/км.ни ташкил этади.

Жуда кенг ўтказиш сатҳи ва сигналларнинг кам сўниши туфайли оптик-толали кабеллар аввало кенг сатҳли сигналларни ўнлаб километрли масофага ретрансляциясиз узатиш учун хизмат қиладиган магистрал алоқа линияларини яратишда қўлланилади. Маҳаллий ЭҲМ тармоқларида оптик алоқа линиялари (ОАЛ)дан фойдаланиш тармоқнинг олис бўлимлари билан алоқа ўрнатиш вазифасини ҳал қилиш имконини беришгина қолмай, балки «заземление»нинг умумий контурига эга бўлмаган ёки ток кучининг турли фазаларига уланган сегментларнинг гальваник ечимини ҳам таъминлайди. Бундан ташқари, тола электромагнит таъсирига чидамли бўлиб, тизимни санкциялаштирилмаган боғланишлардан ҳимоя қилиш учун тавсия этилади. (Оптик-толали алоқа линияларини кабелини бузмай туриб эшитиш мумкин эмас).

1993 йилдан бошлаб маҳаллий тармоқлардаги кўпгина ОАЛлар ST ёхуд ST2 типидаги оптик разъёмларни қўллаб қурилмоқда.

Турли хил фирмалар оптик разъёмларни ишлаб чиқаришнинг бир нечта технологиясини қўлламоқдалар. Масалан, 3М компанияси оптик разъёмларни «қайноқ ишлаш»дек нисбатан истиқболли ва содда технологияни тақдим қилади: тола аввалдан қиздирилган разъёмга ўрнатилади, унинг ички канали совугандан кейин қаттиқлашадиган елим билан тўлдирилган бўлади: «наконечник»дан чиқиб турган тола махсус сапфирли резак орқали боғланади, шундан кейин сифатли кесма ҳосил қилиш учун «наконечник»нинг «тореци» микрон қобиғига ўралади. Мазкур технология ЛВС қурилиши учун анча қулай, чунки жуда содда ва дала шароитида разъёмларни монтаж қилиш пайтида яхши параметрларга эга бўлиш имконини беради.

Бошқа фирмалар ишлаб чиқарувчи эпоксид елимини қуйиш ва толани механик фиксация қилиш орқали қисиб боғлаш ёрдамида совуқ ҳолда ишлаш усулини қўллайдилар.

Тақсимланган юқори тезликдаги тармоқларни яратиш пайтида, масалан, банк ва унинг филиалларини бирлаштириш учун «алоқа линиясининг қайси шаклини қўллаш керак?» деган мураккаб савол туғилади.

Коммуникацион компаниялар ижарасидаги ОАЛларни ва мустақил қурилмадаги ОАЛларни кўриб чиқамиз. Масалан, Москвада 2,048 Мбит/с ўтказиш лаёқатига эга каналнинг ижарасига кетадиган сарф-харажатлар ойига 2500 дан 4000 долларгача, 1 км. масофага оптик-толали кабель ётқизиш эса, 8000 дан 10000 долларгача туради. Кабелнинг ўз нархи, иш ва тестлаштириш нархлари ҳам шунинг ичида. Бироқ, оптик кабелни ётқизишга маблағ сарфлаган компания ҳар бири 2 Гбит/с ўтказиш салоҳиятига эга бўлган саккиз оптик толали линияни мулк қилиб олади ва ер ости кабель коммуникацияси ижараси ҳамда линияга хизмат кўрсатиш учун кўп бўлмаган йиллик тўловни амалга ошириши керак бўлади. Табиийки, ўзаро яқин масофадаги бинолар ўртасида катта ҳажмдаги ахборотларни узатиш учун хусусий ОАЛни қуриш нисбатан фойдалироқдир. Ва аксинча, жуда узоқ масофадаги объектлар ўртасида алоқа ўрнатиш зарурати бўлган чоғида мавжуд ОАЛнинг ижараси қулайроқ бўлиши мумкин.

Техника журналлари материаллари асосида Р. ОТАЕВ тайёрлади

• Алоқа матбуот кўзгусида

ОЛИМПИАДА-96 ВА РАДИОАЛОҚА

Бугунги кунда Олимпия ўйинлари — кўп жиҳатдан тегишли техник таъминотга узвий боғлиқдир. Американинг «Моторола» компанияси Атлантадаги ёзги Олимпия ўйинларининг ҳомийлари ва ҳамкорларидан бири сифатида мазкур ўйинларни замонавий симсиз алоқа, жумладан, рақамли алоқа воситалари билан таъминлади. «Моторола» томонидан лойиҳалаштирилган ва ўрнатилган икки томонлама радиоалоқа тармоғи транспортни бошқаришда, полиция иши ва хавфсизлик хизматида, шунингдек, мусобақаларни ўтказишда қўл келди. Умуман олганда, Атлантадаги Олимпиадада 10 000 дан кўпроқ ихчам радиостанциялар, 6000 та пейжер, 1500 та уяли телефон ва 1500 та компьютер модемлари қўлланди.


«Моторола» радиостанцияларидан биринчи марта 1972 йилда Мюнхенда ўтказилган ёзги Олимпия ўйинларида фойдаланилган эди. Ўшандан буён кўп нарсалар ўзгарди. 1972 йилда ўнлаб спорт мураббийлари ва ташкилий қўмита ходимларигина ихчам радиостанциялардан фойдаланишган эди. Бу йил ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш билан машғул жами 70 000 дан кўпроқ киши алоқа воситаларидан фойдаландилар.

Ўзининг миқёси ва аҳамиятига кўра йилнинг энг улкан спорт воқеаси 1996 йилдаги Олимпия ўйинлари бўлди. Табиийки, «Моторола» Атлантадаги Олимпия ўйинлари ташкилотчиларига ҳам Юбилей Олимпия ўйинларида фойдаланилган замонавий симсиз алоқа воситаларини тақдим этдилар.

ЯНГИ ЖАРИМА

Мадриддда жариманинг янги тури жорий қилинди. Эндиликда мадридлик ҳайдовчи машинани бошқариб кетаётганда мобиль телефондан фойдаланса 5 минг песет (40 доллар) миқдорида жарима тўлайди. Бунга кейинги пайтда Испанияда янги телефон турининг жорий қилиниши билан йўл транспорти бахтсиз ҳодисаларнинг кўпайиши сабаб бўлди.

«Алоқачи ҳамроҳи» ва «Спутник связиста» саҳифаларига С. СИДДИҚОВ ва Т. ЛУТФУЛЛАЕВлар масъулдирлар.



СПУТНИК СВЯЗИСТА

«АЛКАТЕЛ» НА СТРОЙКАХ СВЯЗИ

Нелегким путем продвигается и утверждается на рынке телекоммуникаций Узбекистана известная в мире фирма «Алкател». В парижском штаб-офисе этого крупнейшего транснационального гиганта, обладающего огромными финансовыми и производственными возможностями, отдавали себе отчет в том, на какой рынок выходит их дочерняя германская компания «Алкател СЕЛ», включившись в практические дела по выполнению проектов модернизации и развития телефонной сети молодого независимого государства — Республики Узбекистан.

В отличие от некоторых других фирм, которые для начала своей работы «подбирали» объекты поэффективнее, попроще для исполнения, с гарантиями и страховками, — «Алкател СЕЛ» избрала путь пионеров, первопроходцев, а это — всегда труднее, сложнее. Но и почетнее! — считают руководители фирмы.

Одним из первых объектов для «Алкатал» стала реконструкция на Ташкентской городской телефонной сети АТС-36 (бывшая АТС-32) на 5 тысяч номеров. Это было впервые: в помещениях действующей станции, без помех и остановок работающего оборудования, произвели установку первого в столице цифрового комплекса новой АТС. Станция была введена в эксплуатацию в апреле 1995 года-накануне визита в Узбекистан Президента Федеративной Республики Германии господина Романа Герцога. Она приняла на себя и первые комплименты и первые упреки от абонентов. Качество телефонных переговоров после переключения на новую АТС стало заметно выше, однако выход на городскую сеть по межстанционным соединениям был затруднен. Да и с переключением абонентов на новую станцию не все шло гладко. Учли это при дальнейшей работе. Ведь первый крупный контракт фирмы с Министерством связи Узбекистана предусматривал осуществление ряда проектов по модернизации и развитию телефонной сети не только в столице, но и в некоторых областных центрах. Всего же на первом этапе было определено, что с участием «Алкател» в течение 2-3 лет будет построено новых цифровых АТС на 78000 абонентов. И вот вслед за «первой ласточкой» — цифровой АТС в Ташкенте — последовала настоящая «весна» в деловом сотрудничестве местных связистов с известной германской фирмой — были введены новые станции общей емкостью свыше 25 тысяч номеров, пришедшие на замену устаревших АТС-33, 44. Это были тоже весьма трудные, сложные объекты.

Ввод в эксплуатацию одной из этих станций «благословил» во время своего визита в Узбекистан министр иностранных дел ФРГ господин доктор Клаус Кинкель, переговоривший по новому телефону алкателевского производства с абонентами в Германии и давший высокую оценку качеству связи.

Теперь на 4 станции «Алкател» в столице подключено свыше 30 тысяч абонентов. Понимая, что на городской телефонной сети острой проблемой являются межстанционные соединительные линии, руководители представительства «Алкател» в Узбекистане оперативно поддержали проект о строительстве станций радиорелейных линий связи в городе Ташкенте на базе мощного цифрового оборудования. На 11-ти важнейших направлениях между узлами телефонной сети эти радиорелейные станции были построены, благодаря чему были созданы дополнительные пучки каналов связи, так необходимых для нормального функционирования всего телефонного комплекса столицы.

Активная работа по вводу новых телефонных станций продолжается. Практически завершен монтаж нового, цифрового оборудования на АТС-25, 52, 73. А это — еще 30 тысяч номеров, которые будут приняты в эксплуатацию в IV квартале 1996 года. Примечательно, что все сложнейшие работы выполняются без перерыва, переключение абонентов на новые станции проводиться в условиях действующей связи, с минимальными перебоями.

Нелегким было выполнение проекта строительства комплекса телефонной связи в Намангане. Здесь при строительстве новой АТС на 11000 номеров и автоматической междугородной телефонной станции на много каналов пришлось прибегнуть к исключительной мере - отключения на год большой группы действующих абонентов с тем, чтобы высвободить производственные площади для новейшего оборудования. С проектным объемом работ справились раньше установленного срока и вот уже в течение года более 8 тысяч абонентов, преключенных со старых АТС, и свыше 2 тысяч вновь подключенных к сети, не только с благодарностью воспринимают телефонное обслуживание внутри города, но пользуются услугами высокого качества при междугородных и международных переговорах.

Занимая в течение последнего времени ведущую позицию в строительстве современной телекоммуникационной инфраструктуры в Узбекистане, «Алкател» не ограничивает диапазон своей деятельности только вводом новых мощностей местных телефонных станций, осуществляются и другие проекты.

Так, в целях модернизации телефонной сети одного из крупных промышленных центров Узбекистана — города Чирчика — «Алкател», объединившись с другой известной германской фирмой «Дойче Телеком» и компанией «ДеТеЛайн», на основе заключенного с концерном «Узбектелеком» контракта создали совместное узбекско-германское эксплуатационное телекоммуникационное предприятие «Чирком». Основная доля уставного капитала СП — у концерна «Узбектелеком» — 51 процент, у «ДеТеЛайн» — 25 процентов, а у «Алкател» — 24 процента. Основные задачи: выполнить в короткие сроки модернизацию телефонной сети города, ввести новые, цифровые АТС на 18000 номеров, системы передачи, обновить кабельные сети путем строительства оптико-волоконных магистралей на ряде участков, а также радиорелейной линии в направлении на Ташкент — для организации прямых цифровых каналов междугородней и международной связи.

В «Алкател» не скрывают своего удовлетворения тем что в год 660-летнего юбилея со дня рождения великого полководца и государственного деятеля Амира Темура на его родине, в Шахрисабзе, строительство комплекса цифровых АТС было доверено именно их фирме. «Алкател СЕЛ» за свой счет выполнила поставки оборудования собственного производства системы «Алкател 100 S12» на 10000 номеров, в короткие сроки при активном участии местных специалистов завершила работы по монтажу оборудования и реконструкции линейных сооружений. И вот объект в составе одной центральной станции и двух выносных, как единый комплекс введен в эксплуатацию и предоставляет землякам великого предка и многочисленным в эти дни гостям города самые современные услуги телекоммуникаций.

В свой актив фирма записывает выполненные работы по установке навигационных систем для аэропорта г. Ташкента, участие в числе первых в осуществлении проекта по созданию сети мобильной связи и развитию сети учрежденческих систем связи.

Сегодня у фирмы — новые инициативы и предложения. Среди них — внедрение систем доступа, то есть создание для абонента телефонной сети многих дополнительных возможностей свободного выхода в огромный мир информации — местной, региональной, национальной, мировой. С этой целью в «Алкател» приступили к разработкам, производству и широкому внедрению на сетях телекоммуникаций самых разнообразных «сверхумных» устройств и приборов, которые существенно раздвигают рамки использования телефонной связи. Все, что составляет пространство от АТС до абонента, предполагается уплотнить техникой передачи данных электронной почты, мобильной, сотовой связи, спутниковых факсов, модемов, компьютеров, средств «обратной» связи, проникновения в мировые «банки данных» и системы типа «Интернет», управление поступающей информацией и формирование абонентом ее программ и пакетов, передачи по телефонным линиям программ телевидения и прочее, прочее.

К. ТУЛАГАНОВ

СОТОВЫЙ ТЕЛЕФОН — ОТ «УЗДУНРОБИТЫ»

Есть что-то удивительное и романтическое в том, как начиналась, крепла и развивается еть сотовой радиотелефонной связи в Узбекистане. Пять-шесть лет назад мало кто даже из специалистов имел четкие представления об этом мобильном виде связи.

Сотовый телефон, один из самых престижных видов мобильной связи, стал успешно развиваться в Узбекистане именно благодаря независимости страны, открытости политики, налаживанию сотрудничества со многими странами мира.

В Министерстве связи Узбекистана в августе 1991 года была поддержана инициатива американских предпринимателей о создании сети сотовой радиотелефонной связи республики.

Не все было гладко в начале. С трудностями начинало работать совместное узбекско-американское предприятие «Уздунробита». Однако преодолело организационные, инженерно-технические проблемы. Определилось с источниками финансирования.

В истекший период проделана большая работа по развитию сети, ее неоднократной модернизации. Абонентам предлагаются все новые и новые виды сервисного обслуживания, совершенные телефонные аппараты. В первые годы когда, действовал стандарт ИМТ-450, абоненты приобретали аппараты моделей «НОКИЯ», «ТОЛКМАН», «СИТИМАН», «МОБИРА», после перехода на стандарт AMPS в пользовании находились аппараты типа «МИКРОТАК», «УЛЬТРА ЛАЙТ», «АТ-ТАШЕ», в настоящее время СП «Уздунробита» предлагает своим клиентам аппараты «МИКРО ТАК», «АТ&Т», «МИКРО ТАК ЭЛИТ», «ЭРИКСОН», «СОНИ», «НОКИЯ», станционарные «МОТОРОЛА» и Phoneccellsx и другие. К этим аппаратам имеются в широком ассортименте аксесуары.

Около семи тысяч абонентов сотового телефона в нашей республике, среди которых и государственные служащие, и коммерсанты, местные жители и иностранцы, сегодня не мыслят себе ведения дел и образа жизни без миниатюрного аппарата, который всегда рядом и исправно действует. Для многих он стал заметным элементом нового образа жизни.

Сеть сотового радиотелефона функционирует не только в Ташкенте, где плотной «сеткой» покрыто эфирное пространство над городом и пригородной зоной, но и в таких городах как Самарканд, Бухара, Ургенч, Карши, Андижан, Наманган, Фергана.

Специалисты СП «Уздунробита» разрабатывают планы распространения электромагнитного сигнала своего телефона и на другие крупные города страны, на обустройство мобильной связью основных транспортных магистралей.

Проводимая СП «Уздунробита» работа служит уже сейчас созданию национальной сети сотовой связи Узбекистана. Перспектива работы по развитию сети основательно обсуждена на состоявшейся недавно конференции СП и теперь дело за практическим осуществлением разработанных направлений и проектов.

Темпы и объемы будут более ощутимыми. В «Уздунробите» понимают, что время их единоличной работы в сфере элитарных услуг проходит, появились конкуренты-на развитие альтернативных систем сотовой связи в Узбекистане, серьезно настроены и некоторые другие зарубежные фирмы, пожелавшие стать операторами. Скоро вместе с «Уздунробитой» их будет шесть.

